(? - 1127)
(1097-1127)

Ануштегинийлар сулоласидан бўлган Хоразм хукмдори. Ануштегиннинг ўгли. Ёшлигида Марвда яхши таълим олган, илми адаб ва дин илмларини ўрганган. Отаси вафотидан кейин салжукийларнинг Хуросондаги исёнкор ноиби амир Додбек Хабаший томонидан Хоразм ноиби этиб тайинланган ва хоразмшох унвонини олган (1097). Ануштегинийлар - хоразмшохлар сулоласининг тарихи аслида Кутбиддин Мухаммаддан бошланади. 1100-йил салжукийлар султони Баркиёрук ва укаси Санжар Додбек Хабаший исёнини бостирган. Санжар Хуросонни кўлга киритгач, Кутбиддин Мухаммадни Хоразм хокимлиги мансабида колдириб тасдиклаган. Кутбиддин Мухаммад султон Санжарга садокат билан хизмат килган, хар йили икки маротаба шахсан султон саройига бориб турган, Санжар олиб борган жангларда ўз кўшини билан катнашиб, хирож, ўлпонларни ўз вактида тўлаб турган.
Кутбиддин Мухаммад олиму фузалоларга хомийлик килган адолатли хукмдор бўлган. Журжонийнинг табобатига оид “Захирайи хоразмшохий” асари Кутбиддин Мухаммадга багишланган.